

# ИССИК СУВ ХОЛИДАГИ ИССИКЛИК ЭНЕРГИЯСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ИСТЪЕМОЛЧИЛАР ТОМОНИДАН УНДАН ФЙДАЛАНИШ БУЙИЧА Ш А Р Т Н О М А № 28K/3

Когон шаҳар

« 17 » январь 2022 йил

Когон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (бундан буён "Истеъмолчи" деб юритилади) номидан, низом асосида фаолият кўрсатувчи Когон шаҳар ДСИ бошлиғи К.К.Ахмадова бир тарафдан ва иссиқлик энергияси таъминоти ташкилоти Вилоят «Иссиқлик манбаи» очик акциядорлик жамияти (бундан буён «Таъминотчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият курсатувчи рахбари Б.Б.Рахимов иккинчи томондан ушбу шартномани куйидагилар хақида туздилар .

## I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

- 1.1. Ушбу шартнома буйича «Таъминотчи» «Истеъмолчи» нинг буюртманомасига мувофиқ уланган тармок оркали иссиқ сув холидаги иссиқлик энергия ва Буғни (бундан буён иссиқлик энергияси деб юритилади) етказиб беришни ўз зиммасига олади, «Истеъмолчи» эса мазкур шартномада белгиланган кунидан иссиқлик энергиясини қабул қилиб олиш ва харажатлар сметасида иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун бюджетда ажратилган маблағлар доирасида ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади
- 1.2. Фойдаланадиган иссиқлик энергиясининг йиллик ҳажми 62,5 Гкал ни ташкил қилади.
- 1.3. Сарфланадиган иссиқлик энергия хисоби (меъёрий вақтинчалик услубномага асосан) куйидагича Исситиш майдон ҳажми: 899,8 м2 Жами сумма (Ўн саккиз миллион тўққиз юз етмиш беш минг) сум
- 1.4. Иссиқлик энергияси ва иссиқ.сув узатиш чегараси 6,8 \_\_\_\_\_

## II. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1 «Истеъмолчи» нинг хуқуқлари

2.1.1. «Таъминотчи» дан шартномага мувофиқ иссиқлик энергиясини узлуқсиз етказиб беришни талаб қилишга;

2.1.2. Сифатга мувофиқ булмаган иссиқлик энергияси етказиб берилганда «Истеъмолчи» уз хохишига қура: зарур сифатдаги иссиқлик энергиясини «Таъминотчи» уз хисобидан қайта етказишини талаб қилишга; сифатга мувофиқ булмаган ҳолда етказиб берилган иссиқлик энергиясини қабул қилишни рад этишга;

2.1.3. «Таъминотчи» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

2.2 «Истеъмолчи» нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Таъминотчи» билан қелишмасдан-иссиқлик энергияси истеъмолчининг шартномавий миқдорини оширмасликка ва тузилган шартномага мувофиқ иссиқлик энергияси истеъмоли режимига риоя қилиш (етказилган иссиқлик энергиясини исрофгарчиликка, уни талон-тарож қилишга тармогдаги сувнинг оқиши ва ифлосланишига йул қуймаслик);

2.2.2. Иссиқлик энергиясини, истеъмол қилувчи асбоб-ускуналар, иссиқлик энергияси қувурлари, иссиқлик энергиясини хисобга олиш приборлари, қувурлар изоляцияси ва иссиқлик энергиясидаи фойдаланувчи асбоб ускуналарни техник жихатдан соз ҳолатда сақлаш. Хисоблагич приборлари бузилганда ёки прибор хисоблагичларнинг курсатувида шубҳа тугдурганда «Таъминотчи» ташкилотига 24 соат ичида хабардор қилишга мажбур. Бунда хисоблагич приборлари таъмирлаш пайтида «Таъминотчи» томонидан хисоб-китоблар олдинги 3 кунлик уртача прибор курсатгичлари хисобидан хисобланади. Прибор курсатгичлари 15 кун ичида таъмирланмаганда 15 кундан сунг хисоб-китоблар тулик ҳажмда олиб қорилади, «Истеъмолчи» хисоблагич приборларни таъмирлаш(тузатиш) даврида иссиқ сув ва иссиқлик энергияси қабул қилишни тухтатишга ҳақлидир бунда «Таъминотчи»ни огоҳлантирган ҳолда унинг ходими иштирокида тармоқларининг булиниш чегарасигача вақтинчалик муҳрлаши (пломбалаши) лозим. Хисоблагич приборларининг бузилиши буйича «Истеъмолчи» томонидан «Таъминотчи»ни уз вақтида огоҳлантирилмаганда хисоб-китоблар тулик ҳажмда олиб қорилади.(хисоблагичлар тузалганга қадар)

Иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини хисоблагич приборлари иссиқлик етказиб бериш чегарасида урнатилиши лозим акс ҳолда иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини буйича йукотишлар хисоблагич приборлари урнатиш лозим булган чегарасигача хисобланади. «Истеъмолчи ва «Таъминотчи» томонидан йукотишлар қелишилган ҳолда хисоблаб қикилади.

2.2.3. иссиқлик энергияси қувурлари, иссиқлик энергиясини истеъмол қилувчи асбоб-ускуналарни, задвижкани таъмирлашини ва синовини уз вақтида утказиш, таъмирлаш ҳажми, муддатлари ва жадвалини «Таъминотчи» билан қелишиш;

2.2.4. хисобга олиш приборлари, пастга туширувчи кранлар, торайтиб турувчи қурилмаларни «Таъминотчи» нинг вақили билан биргалиқда пломбалашга. урнатилган пломбаларнинг хақиқийлигини,